



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 14 декабрь, № 262 (9157)

Яқшанба

Сайтимицага ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли юртдошлар! Хурматли деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа жонкуярлари!

Аввало, сиз, азизларни, ўз ҳаётини қишлоқ хўжалиги соҳасига бағишлаган юртимиздаги барча олийжаноб касб эгаларини кутлуг байрам — Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини билан самимий муборакбод этаман.

Ушбу кутлуг айёмда сизларнинг нафақат қишлоқ хўжалиги, балки бутун иқтисодийимизни юксалтириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги улкан хизматларингизни яна бир бор миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Айниқса, бу йил, иқлим ўзгариши билан боғлиқ қийинчиликларга қарамасдан аграр сектор ривожига сизлар билан бирга туб бурилиш ясаган муваффақ бўлди.

Пахта, галла ва мева-сабзавот етиштириш бўйича янги навларни экиш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобига юқори ҳосилдорликка эришдик.

Бу йил 3 мингдан зиёд миришкор фермерларимиз пахтачиликда ҳосилдорликни ўртача 50 — 60 центнердан, уларнинг 1,5 минг нафари эса 70 центнердан оширганлари, галлачиликда эса 3,5 мингдан ортиқ тажрибали фермерларимиз ўртача 100 центнердан ҳосил олганлари, ҳеч шубҳасиз, ушбу тармоқлар ривожига янги давр бошланганидан далолат беради.

Яна бир эътиборга молик жиҳат шундан иборатки, қишлоқ хўжалигида экспорт салоҳиятимиз ортиб бормоқда. Биргина шу йилнинг ўзиде мева-сабзавотларимиз етказиб берилган давлатлар сони эса 18 тага кўпайиб, 83 тага етди.

Албатта, ана шундай рақам ва кўрсаткичлар ортида деҳқон ва фермерларимиз, кластерлар, умуман, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида жонбозлик кўрсатаётган ҳар бир инсоннинг меҳнати, жасорати, фидойилиги мужассам, десак, тўғри бўлади.

Шунинг учун ҳам ушбу байрам арафасида сизлар билан жорий йилдаги фаолиятимизни атрофлича муҳокама қилиб, агротармоқда вақитларидан 110 нафарига давлатимизнинг юксак мукофотларини топширдик. Ана шундай юксак эътироф билан уларни яна бир бор самимий муборакбод этаман.

Муҳтарам юртдошлар! Глобал иқлим ўзгариши, сув танқислиги шароитида халқимизнинг сифатли озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини таъминлаш энг устувор вазифага айланган бугунги кунда барча соҳада бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам фақат замонавий билим ва тажриба, инновациялар ёндашувлари асосида иш олиб борган тақдирдагина кўзлаган эзгу мақсадларимизга эриша оламиз.

Бундан ташқари, “Янги агроном” дастури доирасида 180 нафар иқтидорли талабаларимизни юқори малакали кадрлар сифатида тайёрлаймиз.

Биргина пахтачиликнинг ўзиде деҳқон ва фермерларни қўллаб-қувватлашга 35 триллион сўм йўналтирамиз. Фалла етиштирилган фермерларга пахтадаги каби етиштирилган ҳосилнинг 10 фоизи миқдориде субсидия ажратиш тизимини йўлга қўямиз. Богдорчиликда янги бог ва тоқзорларни ташкил қилиш,

эскиларини янгилаш бўйича ишларни уч йиллик дастур асосида ташкил қиламиз. Бундан бунён балкичиликда наслини янгилаш, натижадорликни ошириш ва шаффоқликни таъминлаш учун янги ривожлантириш дастурини қабул қиламиз. Бунда “карп” ҳамда “совуқ сув” балликлари насличилигини йўлга қўйиш бўйича венгриялик ва норвегиялик ҳамкорларимиз билан ишларни бошлаймиз.

Четдан наслдор баликни олиб келиш харажатларининг 50 фоизи бюджетдан қўллаб берилади. Балик хўжаликлари инкубация, лаборатория, ёпиқ сув айланма тизимларини импорт қилишда боғхона божидан озод этилади. Интенсив балкичиликни йўлга қўйган хўжаликлар учун ер ва мол-мулк солиқлари 2 баробар қамайтирилади.

Қишлоқ хўжалигидаги салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш мақсадида “илм-фан — таълим — ишлаб чиқариш” интеграциясини таъминлайдиган Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси ташкил этилади.

Ана шундай кенг қўламли вазифаларни муваффақиятли адо этишда сиз, азизлар фаол иштирок этасиз ва соҳа ривожини янги босқичга кўтаришга муносиб ҳисса қўшасиз деб ишонаман.

Сизларни бугунги кутлуг байрам билан яна бир чин дилдан табриқлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-омонлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Жорий йилда эришган улкан ютуқ ва зафарларингиз бардавом бўлсин! Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, қадрдонларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ТИНЧЛИК ВА БАҲҚАРОРЛИК ЙЎЛИДАГИ МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Давлатимиз раҳбарининг Ашхобод шахрида бўлиб ўтган Туркманистон доимий бетарафлигининг 30 йиллиги, Халқаро бетарафлик кунини ҳамда 2025 йилнинг “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” деб эълон қилинишига бағишланган халқаро форумдаги иштироки икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва яхши қўшничилик тамойилларига асосланган алоқаларнинг юксак даражасини яна бир бор кўрсатди.

Акс садо

Нуфузли форум Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун янги имкониятлар эшигини очди. Стратегик шериклик нафақат давлатлараро алоқаларда, балки бутун минтақа учун муҳим геосиёсий аҳамиятга эга, десак, айни ҳақиқат.

Туркманистоннинг доимий бетарафлик мақомининг 30 йиллигига бағишланган ушбу форумда Президентимиз нутқ сўзлаб, унда бетарафлик сиёсатининг минтақавий ва халқаро барқарорликни таъминлашдаги ўрнини юксак баҳолади. Маълумки, Туркманистоннинг бетарафлик мақоми БМТ томонидан икки марта тан олинган бўлиб, бу давлатнинг тинчликсевар ташқи сиёсатининг муҳим пойдевори ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам, ўз навбатида, минтақада очкилик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларини фаол тарғиб қилиб келмоқда. Бу икки давлатнинг тинчлик ва барқарорликка интилишидаги умумий мақсадларини акс эттиради. 2025 йилнинг “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” деб эълон қилиниши эса бутун дунё ҳамжамияти учун жуда муҳим ва долзарб ташаббусдир. Президентимизнинг ушбу ташаббусини қўллаб-қувватлаши Ўзбекистоннинг глобал миқёсда тинчликни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасидаги ишончни тиклаш ва мулоқотни ривожлантириш борасидаги қатъий позициясини намоян қилди. Бугунги мураккаб геосиёсий шароитда халқаро ҳамжамиятининг тинчликка бўлган интилишини бирлаштириш эса ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Муносабат

ХАЛҚЧИЛ ВА ҲАЁТЙЎСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАҚҚОНЙ ТАЛҚИНИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар, аввало, халқимиз томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди, унга ижобий баҳо берилган бўлса, эндиликда мазкур ўзгаришлар хорихда ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани айни ҳақиқат.

Чунки инсон табиатида хос бўлган бир хусусият борки, у ҳам бўлса, қилаётган ишлари учун эътироф эшитиши. Масалая четдан туриб назар солинса, ўзгаришларнинг миқёси ва моҳиятига ҳис-туйғулар эмас, балки энг холис мезон — аниқ рақамлар, мантиқий ҳулосалар ҳамда чуқур таҳлиллар орқали баҳо берилади. Шу нуктаи назардан, покстонлик таниқли ёзувчи ва таҳлилчи Муҳаммад Аббос Хон қаламига мансуб “Ўзбекистон: учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” номли баддий-публицистик асарни мамлакатимизда рўй бераётган айни ўзгаришларга ҳаққоний баҳо дейиш мумкин. Асарда юртимизда кечаётган туб ўзгаришлар хо-

лислик, чуқур таҳлил ва интеллектуал тафаккур асосида ёритилгани билан ниҳоятда аҳамиятли. Китобда кейинги саккиз йилда мамлакатимизда олиб борилаётган ҳаётий ислоҳотлар узоқ муддатли тараққиёт стратегияси сифатида очиб берилган. Муаллиф қонун устуворлиги, очик жамият, динлараро бағрикенглик, сўз эркинлиги ва фуқаролик жамияти институтларини учинчи Ренессанснинг институционал асослари сифатида таҳлил қилади. Унинг таъкидлашича, Ренессанс фақат буюк алломалар етишиб чиқishi билан изоҳланмайди, балки у эркин фикр муҳити мавжуд бўлган жамиятда барқарор шаклланади.

БЕКЎС ЮКСАЛИШ ЭЪТИРОФИ

Ҳақиқат шуки, буюк инсонлар ўзининг эзгу амаллари билан эллар ва миллатларнинг қалб тўридан жой олади. Шу маънода, покстонлик таниқли журналист ва ёзувчи Муҳаммад Аббос Хоннинг “Ўзбекистон: учинчи Ренессанс — келажақ концепти” номли асари айни тарихий даврнинг бадий-публицистик акси, Президентимизнинг давлатни стратегик бошқариш салоҳияти ва реформаторлик феноменига бағишланган монументал дoston сифатида дунёга келди.

Китоб тақдимоти маросимида иштирок этар эканмиз, ўз ҳаётини Ўзбекистон халқига беминанат хизмат қилишча, унинг фаровонлигига бағишлаган Президентимизнинг элу юрт равнақи учун олиб бораётган бетимсол жасорати, саяё-ҳаракатлари кўз ўнгимизда қайта гавдаланди.

Айтиш мумкинки, китоб Президентимизнинг учинчи Ренессанс гоғиясини инсонпарварлик, маърифат ва бунёдкорликка асосланган фалсафий концепт сифатида бутун Шарқ оламига етказишни мақсад қилади.

Бугун — Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИНИНГ ҚУВОНЧЛИ АЙЁМИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 25 августда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунга кўра, декабрь ойининг иккинчи яқшанбаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини эътиборга олинган. Шундан бунён мазкур сана аграр соҳада меҳнат қилаётган юртдошларимиз томонидан касб байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Сарҳисоб

Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалиги ходимларига йўлаган табригида таъкидланганидек, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги таъминланиши, экспорт салоҳияти ошишида иқтисодийнинг етакчи тармоғи бўлмиш қишлоқ хўжалигининг роли ниҳоятда катта. Шу боис соҳанинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб, қўлай агробизнес муҳитини яратиш, амалиётга бозор муносабатларини изчил жорий этиш, деҳқон ва фермерлар манфаатлари ҳимоясини кучайтириш орқали махсусот етиштириш ҳамжамини кўпайтириш ислоҳотларининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси соҳа тараққиётида сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди. Унда акс этган 9 та устувор йўналиш асосида аграр соҳа модернизация ва диверсификация қилинаётгани муваффақиятларини янада мустаҳкамламоқда. Жорий йилда 64 та норматив ҳужжат, жумладан, “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғур-



та қилиш тўғрисида”ги қонунлар имзолангани фикримиз тасдиғидир.

Деҳқончилик мавсуми якунланиб, қишлоқ хўжалиги сарҳисоб қилинаётган бугунги ҳосил байрамида жорий мавсум соҳанинг барча тармоқлари учун ютуқларга бой, омадли ва баракали бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сабаби 2025 йилда қишлоқ, ўрмон ва балик хўжалиги махсусотлари ишлаб чиқариш ҳажми 517,5 трлн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Озиқ-овқат саноатида эса 142,2 трлн. сўмлик махсусотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 107 фоизга етиши ҳисоб-китоб қилинган.

Мутахассисларнинг фикрича, жорий мавсумда аграр соҳада янги ерларни ўзлаштириш ёки қўшимча ресурс ва манбалар эвазига эмас, балки амалиётга илм-фан ютуқлари ва илгор агротехнологиялар кенг татбиқ этилгани тўғрисида самарадорлик янада ортиди. Бунинг пахтачиликдаги натижалар ҳам тасдиқлайди.

Гап шундаки, миришкор фермерларимиз томонидан 875 минг гектар ерда 4 млн. тоннага яқин хирмонлар яратилгани ҳолда ўртача ҳосилдорлик илк бор гектарига 46 центнерга етказилди. Бу борадаги кўрсаткич 3 мингдан зиёд фермерларда ўртача 50 — 60 центнер, 1,5 мингдан ортиқ фермерларда эса 70 центнердан ошгани, улар пахтачиликда ўз тажриба мактабини яратганидан далолат беради, албатта. Бу ҳақда гап кетганда, “Мирзачўл” кластери тажрибаси алоҳида эътирофга лойиқ. Сабаби мазкур кластер чўл шароитида пахтадан гектарига 50 — 55 центнердан ҳосил олган бўлса, унга бириктирилган 27 нафар фермер ҳосилдорликни 85 центнергача олиб чиқди ва бу ўзбек пахтачилиги тарихида ёрқин янги саҳифа очилди деб айтиш учун асос бўла олади.

Муҳим факт ва рақамлар

■ Бу йил 875 минг гектар ерда гўза илм-фан ютуқлари ва илгор агротехнология асосида парваришлангани тўғрисида қарийб 4 млн. тонна пахта ҳосили етиштирилди.

■ Жорий йил ўртача ҳосилдорлик пахтачилигимиз тарихида илк бор 46 центнерга етди. 3 мингдан зиёд фермерлар гектардан ўртача 50 — 60 центнер, 1,5 минг эса 70 центнердан ҳосил олди.

■ Галлакорларимиз бу йил 8 млн. 400 минг тонна хирмон яратди, ўртача ҳосилдорлик 85 центнерга етди.

■ Шоликорларимиз 268 минг гектарга шoли экиб, 1 млн. 340 минг тонна ҳосил олди, ўртача ҳосилдорлик 50 центнердан бўлди.

■ Сўнги уч йилда 155 минг гектар бог ва узумзор барпо этилди, интенсиф боғлар 150 минг гектарга етказилди.

■ Жорий йилда 3,4 млн. тонна мева, 2 млн. тонна узум, 19,5 млн. тонна сабзавот, полиз ва картошка, 1 млн. тонна дуккакли ва мойли экинлар етиштирилди.

■ Қишлоқ хўжалиги тўқимачиликдан кейинги энг кўп валюта олиб келаётган соҳага айланган.

■ Йил бошидан озиқ-овқат экспорти 37 фоиз ўсиб, 3 млрд. долларга етди.

■ Мева-сабзавотларимиз кириб борган давлатлар сони 18 тага кўпайиб, 83 та бўлди.



ХАЛҚЧИЛ ВА ҲАЁТІЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАҚҚОНІЙ ТАЛҚИНИ

Асарда инсон капиталига алоҳида урғу берилган. Хусусан, таълим тизими модернизациялаш, олий таълимни халқро стандартларга мослаштириш, илм-фанни иқтисодий тараққиёт билан боғлаш каби масалалар учинчи Ренессанснинг ҳал қилувчи омиллари экани таъкидланган.

Муаллиф маънавият ва ахлоқ масалаларини ҳам эътибордан четда қолдирмаган. Унинг фикрича, ахлоқий қадриятлардан узилган технологик тараққиёт жамиятини маънавий инқирозга олиб келиши мумкин. Шу маънода, Ўзбекистонда миллий анъаналар, ислом маънавияти ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга қаратилган сиёсат ижобий баҳоланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Мухаммад Аббос Хон Ўзбекистон таърибисини Жанубий Осиё мамлакатлари билан қиёслаб, ислом цивилизацияси доирасида замонавий тараққиётга эришиш мумкинлигини кўрсатади ва фақат ютуқлар эмас, балки ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларни ҳам кайд этади. Жумладан, таълим сифатини ошириш, илм-фанни қўллаб-қувватлаш ва интеллект

туал мустақиллиқни мустаҳкамлаш масалалари муҳим қақриқлар сифатида тилга олинган.

Муаллиф учинчи Ренессанс ғоясини илгари сурган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фалсафий латиф формаси ва стратегик қарашларини атрафлича очиб берган. Қарама-қаршилик ўрнига ҳамкорлик, жаҳолат эмас маърифат, душманлик кайфияти ўрнига ишончнинг назарда тутувчи Ўзбекистоннинг янги гуманистик ёндашувини алоҳида эътироф этган. Аслида бу Янги Ўзбекистоннинг бутун дунёга йўллаган асосий давватидир.

Тан олиш керакки, бугунги Ўзбекистондаги ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва маънавий қарашларига боғлиқ. Китобда Президентимиз феномени фақат ислохотчи ёки прагматик раҳбар сифатида эмас, балки жамиятнинг маънавий-ахлоқий ривожига масъулият билан ёндашадиган етакчи сифатида ҳам талқин қилинган.

Асарнинг ўқ томирини ташкил этувчи яна бир муҳим мулоҳаза — “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, жони ва руҳи — маънавият” эканлиги

фалсафасидир. Мухаммад Аббос Хон ушбу фикрни Ўзбекистондаги амалий сиёсат билан боғлаб, иқтисодий ислохотлар маънавий негизга таянмас экан, улар барқарор ва самарали бўлмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёев айна шу мувоозанатни таъминлашга интиломда. Яъни иқтисодий ўсиш билан бирга маънавий янгилашни ҳам давлат сиёсати даражасига кўтармоқда.

Китобда учинчи Ренессанс ғояси атрафлича таҳлил қилиниб, унинг марказида инсон омилли тургани алоҳида қайд этилган. Яъни Ўзбекистондаги ислохотлар нафақат иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш, балки халқнинг маънавий бирдамлигини мустаҳкамлаш, миллий

ўзлигини англаш ва инсон салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳақиқатан ҳам, “Янги Ўзбекистон” тушунчаси айнан Президентимиз раҳбарлигида маънавий ва иқтисодий ислохотларнинг уйғунлиги асосида шаклланимда. Хусусий секторни ривожлантириш, инновация ва креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш орқали халқнинг моддий фаровонлиги оширилган экан, таълим, маънавият соҳасидаги ўзгаришлар инсоннинг ички дунёси ва тафаккурини янгиламоқда. Айна шу жиҳатлар китобда Янги Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим ютуқларидан бири сифатида қайд этилган.

Мухаммад Аббос Хоннинг “Ўзбекистон: учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” номли публицистик асарига мамлакатимизда кейинги йилларда инсон кадрини юксалтириш борасида олиб борилган шиддатли, халқчил ва ҳаётий ислохотлар ҳолис ва ҳаққоний талқин қилинган. Асар Ўзбекистонни ўз тарихий илдизларига таянган ҳолда глобал келажакка интилаётган мамлакат сифатида яққол тасвирлайди. Қолаверса, учинчи Ренессанс ғоясини нафақат Ўзбекистон учун, балки умуминсоний тараққиёт жараёнининг таркибий қисми сифатида эътироф этади.

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

БЕҚИЁС ЮКСАЛИШ ЭЪТИРОФИ

Унда таъкидлашича, учинчи Ренессанс бу жамият онгини уйғотишга қаратилган маънавий ва маданий чорловдир. Давлатимиз раҳбари ислохотларнинг асл моҳияти — “инсон кадрини улуғлаш” тамойилини давлат сиёсатининг ҳар бир жаҳасига сингдиришидир. Бу — ўзбек халқининг давлат сиёсатининг меросидан илҳомланиб, таълим, илм-фан, очиллик ва адолат каби замонавий жадидчилик тамойилларини жадал амалга ошириш дастури.

Демак, Ўзбекистоннинг сўнги тўққиз йилдаги очиллик ва бунёдкорлик даврига ўтиши, тараққиёти ўз-ўзидан бўлмаганини жаҳон ҳамжамияти чуқур англамоқда, десак, айна ҳақиқат. Хусусан, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг икки баробарга ўсиши, хорижий инвестиция-

лар ҳажмининг юқори суръатларда ошиши ва экспортнинг кескин кўтарилиши соғлом рақобат муҳити, инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва тadbиркорликка кенг йўл очиб бериш сиёсатининг самарасидир. Минглаб янги корхоналарнинг давлат этилиши, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллигининг ошиши — бу ислохотларнинг тараққиётини, давлатни халққа яқинлаштиришга қаратилган қатъий мақсадни кўрсатади.

Китоб Президентимизнинг янги жамият барпо этишда амалга ошираётган стратегик чора-тадбирлари, узоқни кўзлаб фикрлаши Марказий ва Жанубий Осиёни қайта боғлашга қаратилган Трансафгон темир йўли каби улкан лойиҳаларда намоён бўлишини таҳлил қилади. Бу ташаббуслар регионал

инфратузилма ривожига эмас, балки минтақада тинчлик, ўзаро ишонч ва иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлашга қаратилган, геосиёсий масъулиятни зиммасига олган доно лидернинг салоҳиятини намоён этишини таъкидлайди.

Бугун Ўзбекистон — очиллик, тараққиёт ва инсон қадри устувор бўлган жамиятга интиляпти. Шу маънода, “Ўзбекистон: учинчи Ренессанс — келажак концепти” китоби нафақат мамлакатимиздаги, балки минтақадаги ўзгариш жараёнларини, замонавий тараққиёт йўлини дунёга танитишда муҳим қадамлардан бўлди, десак, хато эмас.

Манзура САЛИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Аъзамжўраев Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Вон До Ён билан учрашув ўтказди.

Учрашув

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Жанубий Корея стратегик муносабатларининг айни ҳолати ҳамда икки томонлама парламентларо ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама марказида бўлди.

Учрашувда бўлажак Ўзбекистон — Жанубий Корея парламентларо учрашувларига пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори даражада ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

НАВҚИРОН АВЛОДНИ ИЛҲОМЛАНТИРУВЧИ МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Сенатида олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотларнинг ёшлар етакчилари учун “Очиқ эшиклар кўни” ташкил этилди.

Сенат ва ёшлар

Тадбир давомида сенатор Малика Қодирхонова ёшларга парламент юқори палатасининг асосий вазифалари, қонунчилик жараёнидаги иштироки ҳамда Сенатнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек, мулоқот чоғида ёшларнинг қонунчилик ташаббуслари, илгари суратланган лойиҳалари ва талабалар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ташаббусларга алоҳида эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДАГИ МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Хавфсизлик — фаровонлик асоси

Янги Ўзбекистон учун жаҳонга очиллик, ўзаро ҳурмат ва мулоқотга интилиш — давлат сиёсатининг фундаментал қадриятлари. Ўзбекистон халқро ҳамжамиятнинг ажралмас қисми сифатида глобал муаммоларни биргаликда ҳал этишга, умумий фаровонликка эришишга интилади. Айна шу сабабли Ўзбекистон умумий хавфсизлик ҳамда фаровонлик йўлида бирдамлик бўйича Самарқанд ташаббусини илгари сурди. Ушбу ташаббус инсоният келажакига фарқ бўлмаган, тинчлик, тотувлик ва барқарор тараққиётга интилаётган барча томонларни ўзаро ҳурмат ҳамда ишонч асосида мулоқотга жалб этишга қаратилган.

Туркманистоннинг бетарафлик модели ҳам, Ўзбекистоннинг очил ва конструктив ташқи сиёсати ҳам глобал тинчликни мустаҳкамлаш, халқро ҳуқуқ нормаларини ҳурмат қилиш ҳамда давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш каби умумий мақсадларга қаратилган. Икки давлатнинг бу борадаги сазой-ҳаракатлари нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё учун ҳам тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муҳим йўли эканини ёрқин намоён этмоқда.

Биргаликдаги ташаббуслар келажак авлодлар учун янада фаровон ҳамда хавфсиз дунё қуриш йўлидаги умумий азму қатъиятнинг рамзидир. Негаки, дунё миқёсида сиёсий кескинлик кучайиб, давлатлар ўртасидаги ишонч заифлашаётган бир пайтда, тинчликпарварлик ва воситачилик тамойилларига содиқлик ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистон ҳамда Туркманистоннинг Марказий Осиёда тинчлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги сазой-ҳаракатлари алоҳида эътиборга молик.



Шу ўринда Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракатига раислик қилаётганда тинчлик ҳамда зўравонликдан холи бўлган маданиятни тарғиб этиш, сиёсий мулоқот орқали давлатлар ўртасида ишончнинг мустаҳкамлаш ҳамда жаҳонда бағрикенглик, ҳамжихатлик ва бирдамликни қарор топтириши боғлиқ устувор йўналиш сифатида белгилаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлида Ўзбекистон 2027 йилни “Превентив дипломатия йили” деб эълон қилишни режалаштирмоқда.

Мазкур ташаббус доирасида халқро конференция ҳамда форумлар уюштириш, парламент, жамоат ва ёшлар делегацияларининг ўзаро алмашувларини кенгайтириш каби тadbирлар амалга оширилади. Бунда БМТнинг ихтисослаштирилган институтлари, хусусан, Ашхободаги Превентив дипломатия бўйича минтақавий марказнинг фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Глобал муаммоларга қаратилган муҳим ташаббуслар

Туркманистоннинг 2025 йилни “Халқро тинчлик ва ишонч йили” деб эълон қилиш ҳақидаги таклифи ҳам ана шундай глобал муаммоларга қаратилган муҳим ташаббусдир. Ўзбекистон ушбу таклифни бўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда БМТ Бош Ассамблеясининг тегишли резолюциясининг ҳаммуаллифи сифатида фаол иштирок этмоқда. Бу глобал ғоя қарама-қаршиликларни рад

қилиб, можароларни музокара йўли билан ҳал этишга содиқ ҳамда тинчлик ўрнатилган бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўриш тарафдори бўлган мамлакатларнинг бирлашувига замин яратади.

Ўзаро ишонч, ҳурмат ва жипслик тамойиллари Марказий Осиёни тинчлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик маконига айлантириш борасидаги сиёсатнинг асосини ташкил этади. Тошкентда бўлиб ўтган минтақа давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш

қиясининг ўтказилиши ҳам минтақада ягона транспорт-логистика маконини шакллантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Минтақавий хавфсизликка ёндашувда яна бир ўнлашлик бор. Афғонистонни минтақавий иқтисодий жараёнларга жалб этиш ва инфратузилмавий боғлиқликни кучайтириш орқали тинч йўл билан ривожлантиришга кўмаклашиш масалалари бўйича Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ёндашувлари тўлиқ мис келди. Расмий Ашхободнинг энергетика ва сув хавфсизлиги, барқарор транспорт боғлиқлигини таъминлаш, минтақада экотизим-

бўйича биргаликдаги ҳаракатлар ҳамда кўп қиррали иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга минтақамиз давлатлари тайёр эканини яна бир бор кўрсатди.

Шу маънода, Туркманистоннинг конструктив ва тинчликсеварлик сиёсати Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилли ҳисобланади. Расмий Ашхобод 2018 йилда Оролни кўтариш халқро жамғармасига аъзо давлатлар раҳбарларининг биринчи саммитини ташкил этиб, жамғарма доирасида олий даражадаги мулоқотларни қайта тиклашда катта роль ўйнади. Шу йилнинг август ойида Авазада БМТнинг денгизга чиқиш имконияти бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конферен-

циясининг ўтказилиши ҳам минтақада ягона транспорт-логистика маконини шакллантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Минтақавий хавфсизликка ёндашувда яна бир ўнлашлик бор. Афғонистонни минтақавий иқтисодий жараёнларга жалб этиш ва инфратузилмавий боғлиқликни кучайтириш орқали тинч йўл билан ривожлантиришга кўмаклашиш масалалари бўйича Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ёндашувлари тўлиқ мис келди. Расмий Ашхободнинг энергетика ва сув хавфсизлиги, барқарор транспорт боғлиқлигини таъминлаш, минтақада экотизим-

лар ва адиблар иштирокида “Маданиятлар мулоқоти” деб номланган қўшма халқро гуманитар форум ташкил этилади. Бундай форумлар турли маданиятлар вакилларига ўз таърибларини алмаштириш, умумий қадриятларни топиш ва глобал муаммоларга биргаликда ечим излаш имконини беради.

Айниқса, ёшларни тинчлик жараёнига жалб қилишга қаратилган ташаббус алоҳида эътиборга лойиқ. Президентимиз таклиф этган “Ёшлар тинчлик ва ишонч йўлида” минтақавий дастури таълим, маданият ва волонтерлик ҳаракати соҳаларидаги биргаликдаги сазой-ҳаракатлар орқали келажак авлодни тинчлик ва ишонч руҳида тарбиялашни мақсад қилган.

Дарвоқе, гуманитар ҳамкорлик фақатгина маданий алмашинув ёки ёрдам бериш эмас. Бу, аввало, инсон капиталига инвестиция киритиш, ўзаро тушуниш ва бирдамликни ошириш демак.

Ўзбекистоннинг “Маданиятлар мулоқоти” ҳамда “Ёшлар тинчлик ва ишонч йўлида” каби дастурларни илгари суриши, унинг геосиёсий манфаатлардан ташқари умуминсоний қадриятларга содиқлигини кўрсатади. Бу билан Ўзбекистон дунёда адолатли ва барқарор тартиботни барпо этишга амалий ҳисса қўшишга тайёр эканини доимий равишда исботлаб келмоқда.

Мамлакатимизнинг гуманитар ҳамкорлик орқали тинчлик ва ишончнинг мустаҳкамлашга қаратилган таклифлари бугунги куннинг энг долзарб қақриқларига жавоб беради. Улар халқро ҳамжамиятга ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган муносабатларини умумий фаровонлик ҳамда барқарорликка эришишнинг ягона йўли эканини яна бир бор эслатиб туради.

Бақодир ХОЛИҚОВ, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор.



РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИНИНГ ҚУВОНЧЛИ АЙЁМИ

Фаллачилликдаги кўрсаткичлар ҳам чакки эмас. Янги маҳаллий навлар ва биотехнология орқали бу йил 8 млн. 400 минг тонна хирмон яратилди. Ўртача ҳосилдорлик 85 центнерга етди. 3,5 мингдан зиёд фермерлар эса ҳар гектар ердан 100 центнердан оқ олиб, эл-юрт хирмонига муносиб ҳисса қўшди.

Кези келганда, боғбону соҳибкорларимиз янгиликка ўчилиги, изланувчанлиги туфайли харидорим ноз-неъматлар етиштиришнинг ҳадисини олганини ҳам айтиш зарур. Натижанда кейинги йилларда ташқи бозорда “Ўзбекистонда етиштирилган” бренди шаклланди. Айни пайтда қурилган олхўри ва ўрик экспорти бўйича дунёда 3-ўринга, шафтоли ва майизда 7, гилосда 8, узумда 13-ўринга чиқилгани бунинг яққол далилидир.

Сархил ва қурилган меваларимиз экспорт географияси жорий йилнинг ўзида 18 та давлатга кенгайиб, дунёнинг 83 мамлакатига умумий қиймати 3,0 млрд. долларлик маҳсулотлар етказиб берилди. 73 дан ортик маҳаллий экспортёрлар Хитойнинг махсус экспорт реестрига киритилди, 8 та давлатга 36 турдаги маҳсулот экспорти учун фитосанитар рұхсат олинди, уларнинг сони 646 тага етказилди. Пировардида қарийб 2,5 млрд. долларлик қишлоқ хўжалиги, 1 млрд. долларлик озик-овқат маҳсулотлари экспорт қилинди.

Шубҳасиз, ушбу улкан натижалар ортда деҳқон ва фермерларимиз, кластерлар, умуман, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган инсонларнинг жасорати, фидойи хизматлари турлибди. Шундай экан, бугун турфа ноз-неъматлар етиштириб, эл дастурхонига қўт-баракка олиб кираётган деҳқон, фермер, боғбон, чорвадор, сувчи, агроном ва механизаторларнинг фидокорона ва машаққатли меҳнати ҳар қандай олқишга лойиқ.

Шу ўринда юртимизда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг (пахта-галлачилликдан ташқари) молиявий барқарорлигини таъминлаш, соҳада даромад манбаини ошириш мақсадида қўшилган қиймат солигини “ноль” қийматида белгилаш тизими йўлга қўйилгани катта рағбат бўлаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Чунки бундай ғамхўрлик туфайли солиқ юқини кескин енгиллаштириш имкони яратилиб, 45 мингга яқин фермер хўжалиқлари ихтиёрида 800 млрд. сўмга яқин маблағ қолмоқда.

Бундан ташқари, ўз сармоиси ҳамда тижорат кредити ҳисобидан пахта ҳамашёсини етиштириб, биржада сотган қишлоқ хўжалиги корхоналарига пахта қийматининг 10 фоизгача субсидия бериш тизими амалда. Айни пайтда 3,5 мингдан ортик корхоналар 153 минг гектар ер майдонида ўз ҳисобидан пахта етиштириб, молиявий кўмакдан баҳраманд бўлишмоқда. Шунингдек, пахта етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитлар ҳосил йилининг 31 декабрга қайтарилганда кредит фоизининг 4 фоизини қоплаб бериш тизими йўлга қўйилди. Яна бир қулайлик, биржада реализация қилинган ҳар бир тонна пахтага 1 млн. сўмдан субсидия ажратилади. Бу орқали фермер хўжалиқлари 3,0 трлн. сўмдан ортик қўшимча даромад олишга эришади. Мана, қишлоқ хўжалиги ходимларига эътибор ва рағбатнинг ёрқин намунаси!

Айтиш жоизки, қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ошиши нафақат деҳқончиликка замонавий ёндашув, балки янги русумдаги ва юқори унумли техникалар билан таъминланганлик даражасига ҳам бевосита боғлиқ. Шу билан халқро молия институтлари маблағлари кенг жалб қилингани ҳолда лизинг хизматларини молиялаштириш тизими жорий этилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, лизинг хизматида халқро молия институтларининг 200 млн. доллар маблағи йўналтирилиб, фермер ва деҳқонларга 4,8 мингдан ортик замонавий қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари етказиб берилди. Умуман олганда, ўтган даврда қишлоқ мулкдорлари лизинг орқали 11 мингдан зиёд фаолиятлари учун зарур техникалар сотиб олди. Бу борадаги ишлар қўлима келгусида янада кенгайтирилиши кўзда тутилган. Мисол учун, пахтачиликда механизациялаш даражасини 85 фоизга етказиш учун яна 800 та терим машинаси, 450 та қўп функцияли севлка ва 3 минг дона плёнка йиғадиган машина олиб келиниши кутилмоқда. Буларнинг бари тақдирини ер билан боғлаган инсонларнинг обирини енгил қилиш, деҳқончилик маданиятини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



Ҳолисона айтганда, қишлоқ хўжалиги ходимлари ризқ-рўзимиз, фаровон ҳаётимиз бунёдкорларигина эмас, балки ўзларининг фидойилиги, касбига садоқати орқали жамиятда меҳнат маданияти, сабр-қаноат каби юксак қадриятларни тарғиб этиб келаятган матонат соҳиблари ҳамдир. Негаки, улар эрта баҳордан барака уруғини ер бағрига меҳр билан қадаб, бир ниҳол устида бутун мавсум давомида парвона бўлиб, тер тўқади. Тинимсиз меҳнатнинг тотли меваси — мўл ҳосилни кеч қузда йиғиштириб олади. Бундай заҳматли, айни пайтда шарофати ишининг бошини тутган инсонлар ҳар қанча олқишга сазовор. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, умрини, меҳнатини саховатли заминимиз билан боғлаган фидойилар ҳақиқий ватанпарвардир.

Санд РАҲМОН («Халқ сўзи»).

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

Бурилиш нуқтаси

Очиғи, 2016 йилга қадар қишлоқ ҳўжалиғига оид мажлисларда ҳеч нарса ҳал бўлмасди. Ва тинимсиз, кечки, тунги вақтларга қақириладиган мажлисга охирзамонга кетаётгандек борардик. Галла, пахта топшириш мавсумида ҳар бир режани бажармаган фермер тунги соат 24.00 га элеваторга, пахта

заводига мажлисга қақириларди. У ерда туман ҳокими туман прокурори ва ИИБ бошлиғи режани бажармаётган ҳар бир фермер билан гаплашарди. Ва бу "машварат"лар тонги соат тўртларга қадар давом этарди. Қолаверса, фермерни эрталаб соат олтида ўз даласида мулозимлар милиционерлар ҳамроҳлиғида кутиб оларди. Фермер пахта теришга, галла ўришга мажбурланарди. Даласида галла ёки пахта қолгани, йўқми, буниси кейинги масала...

эттириш кераклигини таъкидларди.

Қишлоқ ҳўжалиғи ходимлари куни муносабати билан соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келётган жиззахлик пахтакор, бобон, фермер ва аграр соҳанинг фидойи вакиллари ҳам куни кеча давлат мукофотлари билан тақдирланди. Уларга давлат мукофотларини вилоят ҳокими Улуғбек Мустафоев топширди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида ўтказилган нуфузли тадбирда Жиззах вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиғи масалалари бўйича ўринбосари Зафар Рўзиев "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиғи ходими" фахрий унвони, Шароф Рашидов туманидаги "Кўргонтепа" фермер ҳўжалиғи раҳбари Абдунаби Абдурахмонов "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор" унвони, Зафаробод туманидаги "Фориш йўллари" фермер ҳўжалиғи раҳбари Рустам Раимқулов эса "Шухрат" медал билан мукофотланди.

Биз нафақат давлат мукофотига муносиб қўрилганларни, балки аграр соҳада арсонавий ўзгаришларга камарбаста бўлаётган барча қишлоқ ҳўжалиғи ходимларини касб байрами, энг асосийси, меҳнати қадр топгани билан табриклаймиз.

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ («Халқ сўзи»).

ТАҲСИНГА САЗОВОР ЮТУҚЛАР

Йиллар синовидан ўтган, тажрибасио ўзи севган соҳа бўйича етарли билимга эга бўлган киши билан суҳбатлашиб сезасизки, Янги Ўзбекистонда инсон қадрлари баланд, ҳалол меҳнат ортидан рўзгор тебратаетган жонқурлар давлат мукофотларига сазовор бўлишаётир. Давлатимиз раҳбари эса қишлоқ ҳўжалиғида банд бўлган катта кичикнинг рўзғори тўқин, оиласи тинч, фарзандлари бахтли бўлишини астойдил истади. Буни деярли ҳар бир нуқтидан, вилоятларга қилган ташрифлар чоғида одамлар билан учрашувлардаги сўзларидан яққол аниқлаш мумкин.

Мушоҳада

Шу ўринда Қишлоқ ҳўжалиғи ходимлари куни муносабати билан яқинда ўтказилган учрашувдаги самимий сўзларга эътибор қаратинг. "Сизларнинг нафақат қишлоқ ҳўжалиғи, балки иқтисодиётни юксалтириш, аҳоли турмушини яхшилаш, озиқ-овқат хавфсизлиғи борасидаги бекиёс ишларингиз ҳар қанча таҳсинга сазовор", деди Президентимиз.

Дарҳақиқат, бугун аграр соҳа фидойилари эришган ютуқлар салмоқли, режалар эса катта. Ҳосилдорликнинг пахтага галлада 80 — 85 центнердан юқори бўлиши кечагина хаёлга келмасди, бугун эса бу оддий ҳолатга айланган. Келгусида рақамлар янада ошади. Чунки "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳар бир гектар ердан олинадиган ўртача йиллик даромади 5 минг долларга, жами экспорт ҳажми эса йилига 10 млрд долларга етказиш белгиланган, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлаш кўрсаткичи 25 фоиздан юқори бўлиши кўзда тутилган.

Ҳозирги пайтда сувдан оқилона фойдаланиш масаласи ҳам жуда долзарб. Шу боис давлатимиз раҳбари талабига кўра, сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 млн. гектарга, жумладан, томчилатиб сугориш технологиясини 600 минг гектарга етказиш, 18,7 минг км. ёки 66 фоиз

Президентимиз томонидан қишлоқ ҳўжалиғининг барча бўғинларини қамраб олган ислохотлар — ҳосилдорликни ошириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фермер ва деҳқонлар меҳнатини рағбатлантириш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш кафолатини бермоқда. Бу жараёнда халқимиз, албатта, ислохотлар марказида, "қайноқ нуқта"ларда бўлади.

Одинахон ОТАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиғи масалалари қўмитаси аъзоси.

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН АФСОНА

Бунақа, ўз тажрибамга асосланган, ўзим гувоҳ бўлган воқеалардан истаганча ҳикоя қилишим мумкин.

Мана, бўлар экан-ку?! 2017 йили Президентимиз Шавкат Мирзиёев сентябрда Америкадан туриб барча хашарчиларни, талабаларни иш, ўқиш жойларига қайтарди. Бу даврда фермер ҳўжалиғимизни қорвачиликка айлантирдимиз боис ушбу қарор тўғридан-тўғри бизга алоқадор бўлмасда, барибир кўрқдик. Энди бизга босим қилишди, деб.

Э, бўлар экан, пахтани фермерларнинг ўзлари териб олса. Ноябрда далаларда пахта қолмади. Ташкилотлар ходимлари ҳам ўз иш жойларида ишлашди, талабалар хотиржам ўқишди... Мана, 2025 йил мутлақ бошқача замон бўлди. Хитойдан Жиззах вилоятининг ҳар бир туманига юзлаб пахта териш маши-

налари келтирилди. Инсон қўл меҳнати бир неча баробар енгиллаштирилди. "Хитой унақа, Хитой бунақа", дея айюханнос солганлар ҳам бўлди, аммо...

Нима? Ўзбек деҳқони қўл меҳнати билан қолиб кетавериши керакми?

Ҳар йили бизнинг фермерларнинг пахтазорини ўт босиб кетарди. Фермер пахтазорини уч — беш мартага қадар қўлда чопик қилиб, бегона ўтдан тозалашга мажбур эди. Сақиз — ўн марта культивация қиларди... 2018 йили Пахтакор туманилик тадбиркор-фермер Зокир Яхшибоев Америкага бориб, тажрибасини ошириб келди. Айтдики: америкаликлар сув қувурларини ер остига қўйиб, ёмғирлашиб сугоришаркан. Ерни ҳайдамас, культивация ҳам йўқ, бегона ўт ўсмас экан. Ерини сугоришаркан-да, пахтани кўчат қилиб экаркан.

Афсона эди бу гаплар. Қишлоқ ҳўжалиғи ичида юрган шахсан мен учун ҳам.

Э, бўлар экан, пахтани фермерларнинг ўзлари териб олса. Ноябрда далаларда пахта қолмади. Бизга ўхшаганларга тегишмади. Ташкилотлар ходимлари ҳам ўз иш жойларида ишлашди, талабалар хотиржам ўқишди...

Афсуски, ўшанда ана шунақа тизим бизда оммалашмади. Бизнинг фермерларнинг иқтисодий имкони етишмади.

Мана, 2025 йили хитойлик фермерлар америкаликларнинг бу иши афсона эмаслигини исботлашди. 2025 йили улар пахта ўстирган ерларда бегона ўт уммади, культивация қилинмади, пахта машиналарда териб олинди. Тағин денг, ҳар бир гектардан 80 —

90 центнердан! Ўзбекистон пахтачилиғи тарихида бўлмаган бунақа юқори ҳосилдорлик. Тағин денг, барча қўсақлар бирдан, бир текис очилди, уни машинада бир марта териб олишди, тамом.

Афсона! Кўрмаган, билмаган одам бунақа бўлишига ишонмайди. Ҳақиқат бу! Кейинги йиллари амалга оширилган ва оширилаётган сиёсий, иқтисодий ислохотлар натижаси бу.

Яқинда Жиззах вилоятига ташриф буюрган Президентимиз Шавкат Мирзиёев Улуғбек Мустафоевни вилоят ҳокимлиғига тасдиқлади. "Вазифасини бажарувчи" деган илова олиб ташланди. Қишлоқ ҳўжалиғида, саноатда ва умуман, барча соҳалардаги ибратли ишларни алоҳида эътироф қилиб, шу йўналишни оммалаштиришни давом

ФАРОВОНЛИККА ҲИССА ҚЎШАЁТГАН ҚАҲРАМОНЛАР

Мамлакатимиз ҳаётидаги бирор соҳа йўқми, давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда бўлсин. Айниқса, кейинги йилларда аграр тармоқнинг ислоҳ қилиниши, тизимга хорижий техника ва технологияларнинг кириб келиши миллионлаб одамлар рўзғорига кут-баракат келтирди. Давр талабига мос равишда қонунлар такомиллаштирилётгани, инсон капитали тажриба ва шижоат уйғунлиғида намоён бўлаётгани ҳам эътиборга молик. Президентимиз соҳада эришилган ютуқларни Қишлоқ ҳўжалиғи ходимлари куни арафасида давлат мукофотларига сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз билан учрашув чоғида алоҳида эътироф этди.

Фахр

Дарҳақиқат, бугун 3,5 миллиондан ортиқ аҳолини банд қилган қишлоқ ҳўжалиғи тизими озиқ-овқат хавфсизлиғи ва иқтисодий мустақилликнинг энг муҳим кафолатига айланмоқда. Шу боис Янги Ўзбекистонда аграр соҳани ислоҳ қилиш нафақат қишлоқдаги ишлаб чиқаришни кучайтириш, балки бутун давлат сиёсатининг узвий қисмини ташкил этаётир.

Сўнги йилларда пахта ва галла майдонларининг 250 минг гектари озиқ-овқат экинларини етиштиришга йўналтирилди. Бу қишлоқ ҳўжалиғида ҳақиқий тарқибий ўзгаришларни бошлаб берди. Шу билан бирга, 160 минг гектарда янги бог ва узумзорлар барпо этилди, яна 107 минг гектар плантациялар тўлиқ тикланди. Бу ўзгаришлар нафақат ички бозорни таъминлашга, балки экспортни оширишга имкон бермоқда.

Агробизнесни ривожлантиришда қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш, саноатни такомиллаштириш жуда муҳим. Кейинги йилларда 1,5 мингдан зиёд озиқ-овқат саноати лойиҳалари амалга оширилди, унга қарий 1 млрд. доллар инвестиция жалб этилди. Бу нафақат ишлаб чиқариш қувватларини оширди, балки қишлоқ жойларида мингларча янги иш ўринларини яратди, маҳаллий иқтисодиётнинг жонлинишига хизмат қилмоқда.

"Ақли" қишлоқ ҳўжалиғи аграр соҳага бекиёс янгиликлар олиб кираётгани ҳам бор гап. Бу соҳанинг истиқболини белгилаб берувчи муҳим қадамдир. Аввал ортиқча вақт ва қийинчилик талаб қилган дав-

лат хизматлари бугун рақамлаштирилиб, тезкор ва шаффоф шаклга келтирилмоқда. Замонавий қулайлик, интернет имкониятлари субсидия ва грантлар тизимининг янада самарали ишлашини таъминламоқда. Шу тариқа илгари кузатишга қийин бўлган тарқорланган буткул барҳам берилди, молиявий тизимда инсон омилининг кескин қисқариб бораётгани қишлоқ ҳўжалиғи соҳасида ҳам сунъий тўсиқларни олиб ташлашга имкон яратди. Бу маблагларни манзилли, натижадор йўналтириш, адолатли тақсимлаш кафолати сифатида намоён бўлаётир.

Давлатимиз раҳбари 2030 йилгача қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари ҳажмининг 20 фоизга ошириш лозимлигини айтиб ўтди. Бу улғувор вазифа соҳа фидойилари қатори биз, сенаторлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари мўл-кўллиғи, бу соҳада экспортни кучайтириш, ички талабни барқарор қондирган ҳолда қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ. Қолаверса, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун аграр соҳанинг ҳар бир вақили — фермер, деҳқон, агроном, механизатор ва мутахассислар мамлакатнинг стратегик ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган юрт қаҳрамонларидир.

Сайёра АБДИКАРИМОВА, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиғи масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари.



МЕҲНАТСЕВАРЛИК УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Рости, кейинги йиллар мамлакатимиз учун ҳар томонлама юксалиш, тараққиётни янги поғонага кўтариш, энг муҳими, инсонга муносабатни ўзгартириш, уни қадрлаш, қалбига йўл топиш, орзу-умидлари рўёбига қулай шарт-шароитлар яратиш даври бўлди.

Дил сўзи

Айниқса, бир оғиз ширин гап, меҳнатга берилган юқори баҳо инсонни нечоғли шод қилади?! "Э, барака топинг, отангизга раҳмат", деган сўзинг қудрати ҳам шунда. Чунки кўнгул мудом яхшилик истади, эзгуликка доимо ташна. Агар инсон ўз фидойилиғи ортидан давлат мукофоти-га сазовор бўлса-чи? Бу нафақат одамнинг ўзига, балки унинг оиласи, жамоаси, маҳалласига яншидай тарқаб, барчани қувонтиради, маҳаллада дув-дув гап бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг 9 декабрдаги "Қишлоқ ҳўжалиғи ходимлари куни муносабати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони диллардан дилларга кўчиб юртимизга байрамона кайфият олиб кирди.

Юксак мукофот билан тақдирланганим ҳақидаги хушхабарни далага тут кўчатларини экаётган бир пайтда эшитдим. Ва "наҳотки, олис бир қишлоқда яшаб, пиллачилик билан шуғулланаётган бир оддий инсон ҳам давлат мукофотига сазовор бўлса", деган ўйлар хаёлимдан кечди...

Пиллачилик бугун қишлоқ аҳли учун

оила даромадини ошириш манбаига, аёлларнинг қўлини узун қиладиган тармоққа айланган. Масалан, шу йил Дилдора Жўраева 2 қути ипак қурти боқиб, 165 кило, Тилахон Мирзаева 3 қутидан 235 кило пилла хомашёсини топширишди. Ҳар кило пиллани 40 минг сўмдан ҳисобланчи, қанча пул бўлади?..

Шу кунларда хурсандчилик устига хурсандчилик ҳукм сурди. Қарангки, хиндистонлик инвестор ҳамкоримиз Ажай Агривал ҳам юқори натижаларга эришган пиллакорларимизга қимматбахо совғалар тақдим қилди. Чунки эртага экспортга чиқариладиган тайёр маҳсулотнинг харидоригр бўлиши хомашё сифати-га боғлиқ-да!

Хуллас, ҳозир ҳам ҳаяжоним босилгани йўқ. Айтмоқчи бўлганим Президентимизга минг ташаккур, мукофот учун ва пиллачиларга катта эътибор қаратаётганлари учун! Насиб этса, биз оддий меҳнаткашларга ҳам катта ишонч билдирган Президентимиз сиёсатида камарбаста бўлиб, фидойи меҳнатимиз билан ислохотлар жараёнида янада фаол бўлаемиз.

Манзура РАҲИМОВА, «Норин агропилла» МЧЖ раҳбари, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиб.

ТИЛЛОГА ТЕНГ БОЙЛИК

Пиллачилик қишлоқ ҳўжалиғининг энг сердаромад соҳаларидан бири ҳисобланади. Бир гектар тўттиридан ўзидан дарахтлар орасига икки-уч қарра деҳқончилик қилиш орқали қалимда 3 минг доллар соф фойда олиш мумкин. Тўттинг барги эса ипак қуртини тўйдирди, қурт эса ипакка айланиб, пиллачилик саноатида қўшимча қиймат занжирини яратмоқда. Масалан, жорий йилда республикамиз бўйича 30 минг тоннадан ортиқ пилла хомашёси тайёрланиб, унинг барчаси қайта ишлаш корхоналарида тайёр маҳсулотга айлантирилди. Бу — Миллий статистика қўмитасининг маълумоти.

Изланиш

Юқори сифатли ипакчилик маҳсулотларининг "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи босилган ҳолда дунёнинг кўплаг давлатларига сотилаётгани эса саноатга ҳам, пиллакорлар кластерга ҳам манфаат келтирмоқда.

— Бу йил кўкларда 182 тонна пилла хомашёсини хитойлик инвесторга қарашли "Huading Industrial" МЧЖга топширдик, — дейди "Агропилла" идораси бош ҳисобити Санобар Жўраева. — Кластер ҳар бир кило пилла учун 40 минг сўмдан тарозининг бошида тўлади. Шу боис кўпчилик пиллакор оилалар бир ой тер тўқиб 12 млн. сўмгача даромад топти. Биласиз, Президентимиз томонидан берилган имтиёзга кўра, пиллакорлар даромади ижтимоий солиқлардан озод қилинган. Пилла қурти боқиб учун сарфланган бир ойлик меҳнат бир йиллик иш стажига, дея баҳоланиши ҳам қўниёйлашган. Бу ҳам аҳолини беҳад руҳлантирди. Ана шу сабабли ипак қурти боқибга эътибор кучли. Айни чоғда озуқа манбаи саналган тўтзорларни кўпайтириш мақсадида туманимиз бўйича дала четларига 208,8 минг туп тўт қўчатини экишга киришганмиз.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан пиллачиликнинг янги теризимига ўтиши соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқди. Энди пиллачилар аввалгидек йиллаб пилла пулини ололмай сарсон

бўлиб юргани йўқ. Чунки кластер хомашёни қайта ишлаб, биргина пискентликлар ҳисобидан 1,5 млн. долларлик экспортни амалга оширди. Насиб этса, кўкларда яна ишимиз қайнайдми. Чунки йилнинг "илиғ-узилди" пайти бўлмиш баҳорда пилланг даромади нафақат қасаначилар, балки фермерларнинг ҳам жонига оро қиради.

Қишлоқ ҳўжалиғи ходимлари куни арафасида эълон қилинган Фармонга биноан бир гуруҳ соҳа ходимлари давлатимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан мукофотланди. Ана шу фидойилар орасида Гулбахор Юсупова, Замира Қомилова сингари жонқур мутахассислар борки, улар том маънода пиллачилик тарраққиётига муносиб ҳисса қўшиммоқда.

Қолаверса, мутахассисларнинг эътироф этишича, бу соҳада чиқиндининг ўзи йўқ. Ипак — валюта, ипак қурти гўмбаги — балкичилик учун тўйимли озуқа, гўнги эса ерга малҳам. Ана шу боис ҳам юртимизда йилига бир марта эмас, балки икки-уч қарра пилла боқибга истак осяпти. Кейинги икки йил ичида пиллачилик ортидан даромад топадиган аҳоли 2 млн. нафардан ошди. Яна ўнлаб замонавий қайта ишлаш корхоналари пайдо бўлади. Олимлар эса маҳаллий ипак қурти зотларига бўлган талаб янада ортишини айтишмоқда. Пилла, том маънода, тиллога айланмоқда.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Бугунги кунда кимё саноати тармоғида умумий қиймати 1 млрд. долларлик 21 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда, келгуси уч йил учун яна 4,5 млрд. долларлик ташаббуслар шакллантирилган.

Янги Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг янги босқичи:

ЎСИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Бугунги кунда жаҳонда хизматлар соҳаси иқтисодийдаги энг тез ўсиб бораётган ва юқори қўшилган қиймат ҳамда иш ўринларини яратиш учун асосий драйвер йўналиш ҳисобланади. Мамлакатимизда хизматлар соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш миллий иқтисодийни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир.

Давлатимиз томонидан берилётган молиявий, солиқ ва маъмурий имтиёзлар соҳани жадал ривожлантириш учун қўлай шароит яратмоқда. Бу эса янги иш ўринлари, сифатли хизматлар, хусусий сектор фаолияти ва ҳудудий иқтисодий ўсишни таъминламоқда.

Қолаверса, ўтган 5 йил давомида давлатимиз раҳбарининг хизматлар соҳасини ривожлантириш юзасидан қабул қилган қарорлари орқали тармоқда солиқ, инвестиция, молиявий қўллаб-қувватлаш, ер ресурсларидан фойдаланиш ҳамда қўлай инфратузилма яратишга оид бир қанча имтиёзлар жорий қилинди.

Бунда, асосан, бюрократик тўсиқларни қисқартириш, хизмат турларини ҳудудлар кесимида кенгайтириш ва айниқса, қишлоқ жойларда транспорт, банк, молия, туризм ва савдо хизматларини яхшилаш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишларини ривожлантириш, уларга хусусий секторни жалб этиш учун қўлай иқтисодий ва инфратузилмавий шароитлар яратиш белгиланган.

Жумладан, молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича:

- 1) хизматлар соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Тиллаш ва тараққиёт жамғармасидан 150 млн. АҚШ долларини мақдорида кредит линияси очилди;
- 2) республикамизнинг барча шаҳар ва туманлари марказларида туризм, транспорт, тиббиёт, таълим объектлари ва йирик савдо комплексларини ташкил этиш лойиҳаларини молиялашти-

риш учун хорижий банклардан 200 млн. АҚШ долларини жалб қилинди;

3) ҳудудларнинг мастер-режаларини ишлаб чиқиш ва зарур инфратузилма билан таъминлашга халқаро молия институтларининг 100 млн. АҚШ доллари мақдоридаги маблағлари йўналтирилди;

4) оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун 500 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Солиқ имтиёзлари бўйича:

- 1) 2028 йил 1 январга қадар савдо ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланди;
- 2) 2027 йил 1 январга қадар меҳмонхона ва савдо комплекслари учун юридик шахслардан олинмайдиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари 90 фоизга камайтирилди;
- 3) 2025 йил 1 январга қадар туризм ҳудудларида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари учун айланмадан олинмайдиган солиқ ставкаси, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда юридик шахслардан олинмайдиган ер солиғи ставкалари 1 фоиз этиб белгиланди.

Бошқа ислохотлар:

- 1) кўча савдо объектлари учун жойлар тадбиркорлик субъектларига электрон онлайн-аукцион асосида сотилиши йўлга қўйилди;
- 2) барча тадбиркорлик субъектларига туну кун фаолият юритиш ҳуқуқи берилди;
- 3) фуқароларга ижтимоий солиқ тўлаб ўзини

«Aydarko'1 Resort» дам олиш ва туризм мажмуаси шундай тус олмоқда



«Miraki» дор йўли лойиҳасидан кўринишлар



ўзи банд қилиш орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконияти яратилди;

4) яқка тартибдаги тадбиркорларга беш нафаргача ходимни ёллаш ҳуқуқи берилди;

5) “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо қилиниб, зарур хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилди;

6) Иқтисодий ва молия вазирлиги ҳамда “Ўзмиллийбанк” АЖ таркибида ҳудудларнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги ихтисослашувини аниқлаш, ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқиш, дастурларни шакллантириш, лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш, хизматларни ривожлантириш бўйича ҳудудий ҳокимият органларига методологик кўмак бериш мақсадида Хизматларни ривожлантириш бўйича лойиҳа-таҳлилий маркази очилди;

7) ташаббускор тадбиркорлар учун 120 дан ортиқ тайёр бизнес режалар ишлаб чиқилиб, ҳудудлардаги ҳоким ёрдамчилари ва маҳалла банкчилари орқали аҳоли тадбиркорликка жалб этилмоқда.

Хизматлар соҳасини ривожлантиришга масъул банк сифатида “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан 2021 — 2025 йилларда тижорат банклари билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш, янгица ёндашувларни амалга ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш орқали иқтисодий фаолликни кучайтиришга қаратилган бир қатор ташаббуслар ижроси удаланди.

Сўнги беш йил давомида тижорат банклари билан биргаликда 283 мингта лойиҳани молиялаштириш учун жами 256,5 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бунда “Ўзмиллийбанк” АЖ ҳиссаси қарийб 20 фоизни ташкил этиб, соҳани ривожлантиришга 49,2 трлн. сўм кредит маблағларини йўналтирилди.

Соҳага жалб қилинган жами кредит ҳажмининг 42 фоизи (108,3 трлн. сўм) янги хизмат кўрсатиш объектларини очишга ажратилган бўлса, 30 фоизи (76,9 трлн. сўм) савдо соҳасини ривожлантиришга, қолган 28 фоизи эса (71,3 трлн. сўм) тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш ҳамда уларнинг айланма маблағларини қўллаб-қувватлашга сарфланган.

Умуман олганда, ҳудудларда 2025 йилнинг ўзига тижорат банклари томонидан соҳага жами 69,4 трлн. сўм, шундан “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан 6 мингдан ортиқ лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 14,8 трлн. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Бундан ташқари, ўтган йилларда банк томонидан хизматлар соҳасидаги юзлаб йирик лойиҳаларни барпо қилиш учун инвестиция маблағлари йўналтирилди.

“Ўзмиллийбанк” АЖ молиявий кўмаги билан:

- Самарқанд вилоятида “Iprak yo'li Samarqand sauyohilik majmuasi” ҳамда “Самарқанд халқаро автошоҳбехати”;
- Жиззах вилоятида “Zominsoy” ҳамда “Aydarko'1 Resort” туризм мажмуалари;
- Қашқадарё вилоятида “Miraki” дор йўли ҳамда “Shohsa'ogoy” туризм комплекслари;
- Хоразм вилоятида “ARDA KHIVA Tourism Complex” мажмуаси;
- Сурхондарё вилоятида “Qizil suv yoshlar sayilgohi” ҳамда “Термиз шахрида жамоат транспорти” хизмати;
- Тошкент вилоятида “Chorvoq darvozasi” сайёҳлик мажмуаси ҳамда “Chimgan Resort” меҳмонхона ва дам олиш масканлари;
- Тошкент шаҳрида “Hastimom Touristic Center” савдо ва туризм маркази, “Magic city” кўнглинчар маскани ҳамда “Yulussobod residence” тураржой ва бизнес марказлари ташкил этилди.

Шулар билан бир қаторда, ҳудудларда жамоат транспортини яхшилаш мақсадида жами 2 000 тага яқин, шундан Тошкент шаҳрида 1 000 та замонавий автобус олиб келинди. Шунингдек, савдо соҳасида “Корзинка”, таълим соҳасида “Target” ҳамда тиббиёт соҳасида “Global Medical” брендлари остида хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтиришга молиявий кўмак берилди.

Бундай истиқболли лойиҳалардан юзлаб мисоллар келтириш мумкин.


Ушбу янгица лойиҳавий ёндашувлар орқали 100 минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда, натижада аҳоли бандлиги таъминланиб, хизматлар ҳажми ҳамда аҳоли даромадлари ошмоқда.

Ўз ўрнида, ўтган беш йилда хизматлар соҳасида масъул вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда олиб борилган ислохотлар натижасида бир қанча ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Жумладан, “Ўзмиллийбанк” АЖ тижорат банклар билан ҳамкорликда 2024 йилда хизматлар соҳасида 2,6 млн. нафар аҳоли бандлигини таъминлаган бўлса, жорий йилда эса 3 млн. нафардан зиёд одамлар даромадли меҳнат билан банд қилинди, шундан 2,5 млн. нафари тадбиркорликка жалб этилди.

Хизматлар ҳажми 220 трлн. сўмдан 818,4 трлн. сўмгача ёки номинал қийматда 3,7 баробар ўсишга эришилди. Ҳудудий таҳлиллар натижа-

«Hastimom Touristic Center» савдо ва туризм маркази жозибалари



«ARDA KHIVA Tourism Complex» мажмуаси тарихий ёдгорликлар билан уйғунликда



ларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Наманган ва Хоразм вилоятларида хизматлар ҳажми 4,3-4,9 хисса ошди.

Хизматларнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 37 фоизни ташкил этиб етакчилик қилаётган бўлса, кейинги ўринларни Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятлари эгаллаган.

Ўз ўрнида, аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми 6,4 млн. сўмдан 22 млн. сўмгача ошиб, жорий йил якуни билан 25 млн. сўмга етиши прогноз қилинмоқда.

Алоқа, ахборотлаштириш, яшаш ва овқатланиш, соғлиқни сақлаш, маънавий хизмат кўрсатишда ўсиш даражаси 2020 йилдагига нисбатан 4 баробар юқори бўлди. Жами хизматлар таркибида молия, транспорт, савдо ва умумий овқатланиш йўналишлари ҳажми 75 фоизни ташкил этмоқда.

Бу кўрсаткичлар хизматлар соҳасида горизонтал кенгайиш ва минтақавий диверсификация жараёни фаоллигини кўрсатади.

Жаҳон банкнинг маълумотларига асосан 2020 — 2024 йилларда жаҳон ЯИМ таркибида хизматлар ҳажми улуши +0,4 % пунктга ўсган.

Марказий Осиё мамлакатлари миқёсида ЯИМ таркибида хизматлар ҳажмини таҳлил қилганда бўлса, Ўзбекистон +6,4 %, Қозғистон +2,1 %, Қирғизистон +1,5 %, Тожикистон +0,1 % пунктга ўсган бўлса, Туркменистон -1 %, Афғонистон -5 % пунктга тушган.

Шунингдек, Польша +2,8 %, Туркия +2,6 %, Бельгия +1,8 %, Хитой +1,2 %, Россия +1,2 %, Таиланд +1,1 %, Сингапур +0,9 % пунктга ўсган бўлса, Бангладеш -0,1 %, АҚШ -0,3 %, Франция -0,6 %, Италия -1,1 %, Малайзия -1,2 %, Бразилия -2,1 %, Покистон -3,1 % пунктга тушган.

Мамлакатимизда ушбу ижобий иқтисодий

Ўсишлар натижасида ЯИМ таркибида хизматлар улуши 47,4 % га етди ҳамда жорий йил якуни билан 49-50 фоизни ташкил этиши kutilмоқда.

Жаҳон амалиётида ЯИМ таркибида хизматлар соҳасининг улушига қараб мамлакатлар куйидагича таснифланади:

- 40 — 50 % — ривожланаётган мамлакатлар учун қабул қилинадиган кўрсаткич;
 - 50 — 60 % — иқтисодийни барқарор, хизматлар соғлом ривожланаётганидан далolat берадиган кўрсаткич;
 - 60 — 100 % — хизматлар сектори етакчи бўлган ривожланган давлатларнинг даражаси ҳисобланади.
- Жаҳон таърибасида хизматлар ҳажмининг улуши ЯИМда камида 50 % ва ундан юқори бўлиши ривожланган иқтисодий учун меъёр ҳисобланади ҳамда иқтисодий диверсификацияланган, кўп иш ўринлари яратиш имконияти мавжуд ва инновацияга очиллигини билдиради.
- Келгуси йилларда креатив иқтисодий, рақамли сервислар, жумладан, IT-дастурлаш, сунъий интеллект, шунингдек, логистика, аутсорсинг, таълим ва тиббиёт хизматларини молиялаштиришга устуворлик берилиши мақсад қилинган.
- Ушбу йўналишларнинг замонавий глобал бозор талабларига мослиги келгусида Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.
- Бобоёр ХИДИРОВ,**
«Ўзмиллийбанк» АЖ Тадбиркорлигини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича лойиҳа-таҳлилий маркази бошлиғи.

Келгуси йилда 3 минг, 2030 йилга бориб эса 6,3 минг километрлик йўللари сақлашга тадбиркорларни жалб қилиш режалаштирилган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган кўлабмакълар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 19.55 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6